

INSTITUT FÜR DIE WELT DER TURKEN



# INTERNATIONAL SCYTHIANS AND ALP ER TUNGA SYMPOSIUM

INTERNATIONALE SKYTHEN  
UND ALP ER TUNGA  
SYMPOSIUM

11 - 13 MARCH 2022   
MUNICH / GERMANY  
FACE TO FACE - ONLINE

## TAM METİN BİLDİRİ KİTABI

Edt. Doç. Dr. Osman Kubilay GÜL

ISBN: 978-625-00-0765-5

Ankara - 2022

scythianssymposium@gmail.com

**I. ULUSLARARASI İSKİTLER  
VE  
ALP ER TUNGA SEMPOZYUMU**

**TAM METİN  
BİLDİRİ KİTABI**

11-13 Mart 2022 Münih-ALMANYA

**Editör**

Doç. Dr. Osman Kubilay GÜL

**Ankara - 2022**

**I. Uluslararası İskitler ve Alp Er Tunga Sempozyumu Tam  
Metin Bildir Kitabı**

**Institut für die Welt der Türken**

Yayın nu: 1

Sayfa Düzeni

Doç. Dr. Osman Kubilay Gül

Bu kitabın tüm hakları saklıdır. Tanıtım amaçlı kısa alıntılar  
dışında metin ya da görseller çoğaltılamaz.

ISBN:

**Institut für die Welt der Türken**

Deutschürken Verband [Vr. 205808]

Pelkovenstr 139, 800992 München Deutschland

Tel: 004915147082717

<http://www.weltdertuerken.org/>

## **PROGRAM**

<b>12.03.2022 (Çevrim içi program)</b>	
<b>AÇILIŞ (12.00)</b>	
<b>AÇILIŞ KONUŞMALARI</b>	
Prof. Dr. Necati DEMİR (Türklerin Dünyası Enstitüsü Başkanı)	
12.30- 13.00	Oybek NORİNBAYEV (Özbekistan Coğrafya Kurumu Başkanı)
<b>AÇILIŞ KONFERANSI</b>	
12.30- 13.00	Prof. Dr. Necati DEMİR İskitler (Saka) Devleti ve Alper Tunga

<b>1. OTURUM</b>	
13.00-15.00	Oturum Başkanı: Prof. Dr. Necati DEMİR
	Prof. Dr. M. Fatih KARAGÜL Genel Hatlarıyla, Karşılaştırmalı İskit Seramikleri
	Doç. Dr. Mehmet ÖZMENLİ İskitler, Mizrak ve Savaş Sporu Cirit
	Doç. Dr. Kamelya TEKNE Türkiye'deki Üniversitelerde Çalışılmış Olan İskitler Konulu Lisansüstü Tezler Üzerine Tespitler
	Агульников СЕРГЕЙ М. Могильник скифской культуры у села Казаклия, Республика Молдова
	Rahmi Serhat KEMER Anadolu'da Kimmerler ve İskitler; Yeni Bulgular ve Yeni Değerlendirmeler
	Prof.Dr. Ravshanov Uktamalı RUSTEMUGLİ Бухоро Музейидаги Саклар Маданиятига Оид Ашёлар

## **БУХОРО МУЗЕЙИДАГИ САКЛАР МАДАНИЯТИГА ОИД АШЁЛАР**

*Равшанов Ўктамали Рустам ўғли\**

Сак қабилалари ҳақидаги дастлабки маълумотлар илк ёзма манбалар билан бир даврда бегиланади. Яъни Оссурия, ахамоний ёзма ёдголикларида уларнинг номи файд этилган. Александр Македониский юришларигча ва ундан кейинги давр муаррихлари ҳам сак қабилалари ҳаёт тарзи, этнографияси, диний қарашлар, хукмдорлари ҳақида ёзиб қолдиришган. Айниқса, уларнинг Осиё худудида энг кенг тарқалган қабила эканлиги ва яшаш худудларига караб турли номлар билан аталиши манбаларда ўз аксини топган. Сак қабилаларининг узоқ давр яшаб, шакилланган тарихий маконларидан бири икки дарё оралиғи бугунги Ўзбекистон худуди ҳисобланади. Сак қабилалари темир даврида “Сак маданияти”ни яратиши. Бу маданият ўзининг диний қарашлари, моддий топилмалари айниқса, темирга ишлов бериш ва ундан турли қурол-яроклар тайёлаш технологияси ва бу соҳани санъат даражаси олиб чиққани билан тарихда кейинги цивилизацияларга пойдевор бўлди.

Бухоро музейи археология фонди ва Бухоро воҳаси археологияси экспозициясида ҳозирда саклар маданиятига тегишли кўплаб сопол, қора ва рангли металлдан тайёрланган турли буюмлар сақланади.

Саклар маданиятига оид металл буюмлар адабиётларда атрофлича ёритилган. Шунга қарамай археологик қазишмалар жараёнида янгидан янги археологик топилмалар бу маданият изларини кенгроқ тушинишга имкон бермоқда. Шундай ашёлардан бири “саклар қозони” номи билан машҳур бўлган

---

\* Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Тарих илмий бўлимни мудири [powerravshanov@mail.ru](mailto:powerravshanov@mail.ru)

ирик (дм-66, в-36 см) қозон ҳисобланади. Қозон “хафтжүш” яни етти маъданнинг қоришидан тайёрланган бўлиб, жез қозон деб юритилади. Қозон безеклари билан қўйма услубда тайёрланган. Саклар қозони албатта ўзи халқнинг қарашларини ҳам сақлаб қолган. Қозонга тўртта қўйма қўчкор шохи шаклидаги кунгирадор дастак бириктирилган. Дастакнинг бундай шаклда бўлиши уни мустахкам ушлаш имконини ҳам берган. Дастаклар ораси бўйлаб “архар” шохи кашлидаги тасвир тескарисига ишланган. Бу эса сакларнинг тотемларига ишора ҳисобланади. Дастак ости бўйлаб бурاما шаклдаги бирматада тақорланадиган айлана бўртма чизик ҳам қозонга безак бериб турибди. Бу безаклар қозон қўйилишидан олдин бурاما симлар билан қолибга ишланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб ушбу саклар қозони мил.авв.ІІІ-мил.ІІ асрларга оид деган хулоса чиқариш

Бухоро музейи фондида яна бир саклар маданиятига тегишли ашё бундан икки йил олдин Бухоро шаҳридан 55 км жануби-ғарбда жойлашган Пойкент шаҳри харобаларидан топилган маёқ ҳисобланади. Пойкент шаҳарчаси бронза давридан шакллана бошлаган бўлиб, илк ўрта асрларгача жуда яхши ривожланган шаҳар давлатлардан бири бўлган. Бу худудда 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида Давлат Эрмитажи билан ҳамкорликда қазишма ишлари олиб борилмоқда. Сўнгти топилган нодир ашё бу шаҳарчанинг арқ қисмидаги ибодатхона комплексининг шарқий қисмига тегишли йўлакдан топилган жез маёқ(факел)дир. Узунлиги 40 см бўлган ушбу маёқ археологларни хулосасича, кириш йўлагини ёритиб турган. Ашё топилган вақтда унинг ички қисмida куйган ёғоч кулларининг топилиши таҳминларни янада мустахкамлади. Маёқ ҳам қўйма услубда ишланган бўлиб, икки қисмдан иборат. Яъни пастки дастак ва юқори қисми ёғоч ўрнатиладиган оловхонага бўлинади.

Кейинги саклар маданиятига тегишли ашё металл қуиши ўчоги бўлиб, у ҳам Пойкент шаҳарчаси худудидан 2018 йилда Ўзбекистон ва Россиялик археологлар ҳамкорлигида топилган. Металл қуиши ўчогида турли ўлчамдаги чукурчалар сақланган

бўлиб, ичида иссиқлик натижасида куйган тупроқ қисмлари, қул ва ўчоқ деворлари юқорисида ярим эриган металл хом ашёси сақланган.

Металл қуиши ўчогининг кучли қотиб қолганлигидан унинг узоқ вақт мобайнида ишлатилганлигини ва ундаги чукурчаларнинг шаклидан кичик ва ўртача ўлчамдаги металл буюмлар(ханжар, камар қисимлари, рўзғор буюмлари ва бошқалар) куйилганлигини тахмин қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда ушбу ўчоқ Қадимги Пойкент тарихи музейида артофидан топилган металл ва сопол буюмлар билан биргаликда доимий кўргазмадан ўрин олган.

Саклар маданияти бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, ушбу маданият таркибидағи сак қабилалари бир-бири билан доимий алоқада бўлган. Шу сабабли бу даврга оид бир хил турдаги тарихий ашёлар жуда катта тарихий макондан топилади. Аммо қадимги Сўғд худудида бу маданиятнинг кенг тарқалганлигини исботловчи хос ашёлар кўп топилмаган эди. Юқорида тарифлари берилган қозон, маёқ ва металл қуиши ўчогининг топилиши Сўғд худудининг ҳам сак маданияти марказларидан бири бўлганлигини яна бир бор исботлайди.



1.Расм



2. PacM



3. PacM



#### 4. PacM